

ТЕРМИНОЛОГИЯДА СИНОНИМИЯ МУАММОЛАРИ

Қувондиқова Дилдора Али кизи,
ўқитувчи, Ўзбекистон Миллий
университетининг Жиззах филиали

Аннотация: Жамият тараққиёти шу жамиятнинг тилида ўз аксини топмасдан қолмайди албатта. Янги пайдо бўлган ҳар қандай предмет, тушунчага ҳар қандай тилда ном берилади ва ушбу тушунча ёки предмет жамият ҳаётида ўз ўрнига эга эканлиги шу билан белгилаб берилади. Ушбу фаолият билан терминология фани шуғулланади. Юзага келган тушунча ёки предметга терминология ном бериб уни ҳаётга тадбиқ қилади. Сўнг унинг жамиятга шу ном билан кириб бориши кузатилади. Баъзан шундай ҳоллар кузатиладики терминология яратган тушунчага берилган номни жамият қабул қилмайди ва тилдан фойдаланувчилар ўзлари буюмга қайсидир жиҳатларини инобатга олган ҳолда ном бериб олади ёки ушбу тараққиёт маҳсулини чет тилидан номи билан ўзлаштириб олади. Худди шундай вазиятлар кузатилганда терминологияда синонимлик ҳодисаси юз беради.

Калит сўзлар: синонимия, ʼдублетʼ, кўп маънолилик, тижорат лексикаси, соҳавий матн.

Синонимлик ҳодисаси терминологик лўғатларга таъсир эта олувчи фундаментал лингвистик феномен бўлишига қарамасдан кўп ҳолатларда бу ҳодисага “муаммо” дея қаралмайди (Стойнова, 2003). Замонавий инглиз тилида икки ёки ундан ортиқ терминнинг ўзаро маънодошлиги асл муаммоли масала ҳисобланади. Терминологияда тўлиқ(абсолют) синонимлар борми ёки бир-бирини ўрнини барча ҳолатларда босувчи синонимлар мавжуд эмасми?- деган масала доимий муҳокама остида бўлиб келган. Тилшунос олимлардан А.В. Кризхановская «терминологияда синонимияга йўл қўйиб бўлмайди» (Кризхановская, 2000) деган фикрни илгари сурса, бошқа тилшунос олимлар «терминологияда синонимия умуман мавжуд эмас, маънолари ўхшаш ёки яқин терминлар “дублет”лар деб ҳисобланади» деб таъкидлашган (О.С.Ахманова, Э.Н.Толикина). Бироқ кўпчилик тилшунос олимлар терминологияда

синонимлар мавжуд деб ҳисоблашади (О.Винтелер,1993, М.Т.Кабре,1999, Л.Б.Ткачева, 1987).

Машхур терминшунос Д.С. Лотте терминологияда синонимия ва кўпмаънолилик салбий ҳолат эканлигини таъкидлаб ўтган (Лотте, 1961). Айнан синонимия аниқ мулоқотни янада мураккаблашишига олиб келади. Зеро терминологиянинг хусусиятларидан бири бу фикрни ортиқча фикрларсиз аниқ ифодалашидир. Айтиб ўтиш жоизки, бир соҳага оид терминология яратилишидан асосий мақсад ушбу соҳа вакиллари улар қайси тилда сўзлашишларидан қатъий назар ўз соҳаларига оид бўлган бирор матнни тушуна олиш имконини яратувчи универсал сўзлар жамланмасини ташкил қилишдир. Модомики аталган бир тушунча ёки предмет терминологияда бир неча номларга эга бўлса ёки тушунчага берилган ном бошқа маъноларга ҳам эга бўлса бу, албатта, терминология тизимидан фойдаланувчиларга бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Бинобарин синонимларнинг биридан фойдаланувчи шахс унинг бошқа бири қўлланилганда матнни тушунмайди ёки унда матннинг мазмуни масаласида иккиланиш пайдо бўлади. Ёки бир нечта маъно англатувчи термин матнда қўлланилганда фойдаланувчида ушбу атама қайси мазмунда келганлиги ҳақида чалкашликлар туғулиши эҳтимоли ҳам бор.

Синонимия муаммосининг асосий сабаби - терминологиянинг бойиш манбалари асос сифатида қабул қилинганлигидир. (Р. Вогел, 2008). Улар қуйидагилар:

- Тилнинг ички имкониятларидан фойдаланиб янги сўз ҳосил қилиш:
Инглиз тилида- *rent, appendix, complex, businessman, check*.
Ўзбек тилида- *ғазначи, ҳисобчи, патта, ҳисобот, текширув*.
- Чет тилидан тушунча ёки предмет билан унинг номи ҳам кириб келиши:
Инглиз тилида- *lease, annex, aggregate, entrepreneur, audit*.
Ўзбек тилида- *қассир, бухгалтер, квитанция, рапорт, ревизия*.

Хусусан қиёсланаётган тилларда тижоратга оид терминология таркибида пайдо бўлувчи синонимия ҳолатининг асосий сабаби, бизнингча, икки омил ёрдамида юзага келишидир (Қиёсланг: Р. Вогел, 2008).

Улар қуйидагилар:

- Инглиз тили лўғат бойлигининг ареал хусусиятлари. Масалан, Британия ва АҚШ инглиз тилида тижорат лексикаси фаркли хусусиятларга эга. Британия инглиз тилида “даромад” сўзининг – *revenue, income, gain, profit, earnings, yield, proceeds* каби синонимлари мавжуд бўлиб булардан “*income*” қабул қилинган бўлса АҚШ тижорат атамаси сифатида “*revenue*” тан олинган. Бу каби мисоллардан яна:

Ташиқлот, компания - Company (BE), Corporation (AE);

Дебиторлар, қарздорлар- Debtors (BE), Accounts receivable (AE);

Кредиторлар- Creditors (BE), Accounts payable (AE);

Тижорат банки- Merchant bank (BE), Investment bank (AE);

Тўловлар- Notes (BE), Bills (AE);

Чек- cheque (BE), check (AE);

Оддий акция- ordinary share (BE), common stock (AE);

Акциядор- shareholder (BE), stockholder (AE);

Касаба уюшмаси- trade union(BE), labor union(AE);

Ўзбек тили тижорат лексикаси ўрганилганда ареал хусусиятга оид терминлар сараланган мисоллар таркибида топилмади.

- Тижорат соҳасининг хилма-хиллиги (масалан: иктисодиёт, бугалтерия, сугурта кабилар) турли соҳавий синонимлар келиб чиқишига олиб келишининг гувоҳи бўлди. Бу ҳолат бевосита матн билан боғлиқ (Қаранг:Русинова, 2016).

Масалан: “*Ҳисобчи*” терминини инглиз тилида таҳлил қилганимизда унинг “*accountant, bookkeeper, examiner, analyst, actuary, clerk, teller, auditor, comptroller*” каби синонимлари мавжуд бўлиб, ҳаммаси ҳам бир ўринда иктисодиёт тармоқларида қўлланила олмаслиги маълум бўлди.

Accountant- *The office of the accountant-general of the empire, which controls and supervises the expenditure of the sums voted by the legislative bodies, and revises the accounts of the imperial bank;*

Bookkeeper- *In 1855 he moved to Chicago, served for three years as a **bookkeeper** in a planning-mill, and in 1858 entered the banking house of Merchant's Loan and Trust company of which he was a **cashier** in 1861-1868*

Actuary- *He was also frequently employed as a consulting **actuary**, a business in which his mathematical powers, combined with sound judgment and business-like habits, fitted him to take the highest place.*

Analyst- *The same year, in his **analyst**, he attacked the higher mathematics as a leading to freethinking; this involved him in a hot controversy*

Auditor- *I was an involuntary spectator and **auditor** of whatever was done and said in the kitchen of the adjacent village-inn- a wholly new and rare experience to me. A provincial **auditor** is also appointed by The Union ministry and is removable only for reasons which must be submitted to the Union Parliament.*

Ўзбек тили тижорат лексикасида ҳам шу каби синонимларнинг соҳавий матнда ишлатилишини кузатамиз.

Ҳисобчи- *Корхонанинг ойлик сарф харажатларини куриб чиққач **ҳисобчи** ишлаб чиқаришдаги ўсиш даражасига ижобий баҳо бердию*

Аудитор- *иқтисодий аҳволнинг бу қадар ёмонлашишида вазиятни кўра билмагани учун **аудитор**нинг айби энг каттаси деб ҳисобланади.*

Ғазначи – *барча бор бўлган маблағни тарқатиб бўлгач **ғазначи** бир сўз демасдан дарчани ёпиб қўйди.*

Хулоса қилиб айтганда илмий адабиётларни ўрганиб ва йиғилган фактик материаллар асосида биз синонимия терминшунослик фанига ҳам хос эканлигини гувоҳи бўлдик. Таҳлил қилиш жараёнида биз бу ҳодисани пайдо бўлишининг икки омилини ажратдик. Тижорат терминологиясида синонимларнинг пайдо бўлишига инглиз тилининг ареал хусусиятлари ва бир соҳанинг тармоқларга бўлиниши ва уларнинг лексик бирлик танлашдаги фарқлари каби омиллар сабаб бўлади. Таҳлил жараёни кўрсатишига кўра, барча соҳалардаги синонимик терминларга абсолют синоним деб қараб бўлмайди ва шу боисдан улар чуқур ўрганишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кабре М.Т. “Terminology: Theory methods and applications”./М.Т. Кабре. - Амстердам: ЖБПБ, 1999.
 2. Ткачева Л.Б. “Основные закономерности английской терминологии”. /Л.Б.Ткачева. - Омск: ТГУ, 1987
 3. Русинова Л.Н. “О некоторых вопросах упорядочения и стандартизации терминологии”/ Л.Н.Русинова. // “Термин в языке и речи”.- Горький: ГГУ, 1985.
 4. Radek Vogel. “Synonymy and polysemy in accounting terminology: fighting to avoid inaccuracy”, 2008.
1. www.etymologyonline.com
 2. www.cambridgebusinessdictionary.com
 3. www.Merriamwebsterdict.com